

РАҲБАРЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Инжилни ўрганиш дастуридан қандай фойдаланиш керак

Ушбу Инжилни ўрганиш дастури раҳбарларга Муқаддас китобларни қизиқарли ҳамда интерфаол тарзда ўрганиш орқали ўз гуруҳларини ўз ортларидан бошлаш учун содда усуллар ва воситаларни тақдим этади. Ушбу ўрганиш дастурининг соддалиги ва чуқурлиги барча ёшдаги ва турли даражадаги эътиқодга эга инсонларни Муқаддас китобларни мустақил равишда ва кичик гуруҳларда ўрганишга ундайди.

Ўрганиш дастури иштирокчилар учун Муқаддас китобнинг битта парчасидан фойдаланган ҳолда кейинги ҳафтадаги гуруҳ учрашувлари ва муҳокамаларга тайёрланишга қаратилган кундалик йўриқнома ҳисобланади.

Иштирокчилар ҳар куни берилган парчани ўқийдилар, уни тушуниш учун ибодат қиладилар ҳамда кундалик саволларга жавоб берадилар. Ҳар куни Муқаддас Рух уларга янада чуқурроқ маъноларни ошкор қилади ва ўрганилаётган парчанинг тафсилотларини чуқурроқ маълум қилади. Иштирокчилар Худонинг Каломини фаол тарзда ўрганиш кўникмаларига эга бўладилар ва Инжилни ўрганишнинг куйидаги содда усулидан фойдаланган ҳолда Худонинг ҳақиқатларни қай тарзда таржима қилиб беришини шахсан кашф қиладилар ва амалда тадбиқ этадилар:

- **Қузатиш**
Муқаддас китоб нима дейди?
Асосий ғоя нимадан иборат?
- **Изоҳлаш**
Муқаддас китобдаги маъно нимани англатади?
Муҳим сўзлар, иборалар ҳамда ҳақиқатлар нимадан иборат?
- **Қўллаш**
Ушбу Муқаддас китобни ҳаётимда қўллашимга Муқаддас рух қандай ёрдам беради?

Инжилни ўрганиш гурӯҳини қандай ташкил этиш керак

Биз ишонамизки, Худо бизнинг ким эканлигимиз, қаерда яшашимиз, ишлашимиз ёки мулоқот қилишимиздан абадиёт учун таъсир қилишда фойдаланишни истайди. Ишни қуйидаги учта одим билан бошлаш керак:

1. ИБОДАТ ҚИЛИШ

...барчаси ибодат ҳамда муносабатлар ўрнатишдан бошланади.

ИБОДАТ

- Сизга Инжилни ўрганиш гуруҳини ташкил этишда ёрдам берадиган дўстингиз учун ибодат қилинг.
- Биргаликда мунтазам ибодат қилинглр. Худодан Унинг режасини билдиришини ва йўл кўрсатишини сўранглр.
- Юрган йўлингизда ибодат қилинглр. Яратгандан марҳаматини ва ҳимоясини сўранглр.
- Инсонлар исмларини айтиб улар учун ибодат қилинглр. Худодан инсонларни учратиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш ва хизмат қилиш имкониятларини беришини сўранг. Меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиш қалбларни очади ҳамда муносабатларни ўрнатади.
- Уларда Инжилни ўрганишга қизиқиш уйғонишини сўраб улар учун ибодат қилинг.

МУНОСАБАТЛАР

- Атрофингизда яшайдиган, ишлайдиган ҳамда мулоқот қиладиган инсонлар билан учрашинг. Улар билан дўстона муносабатда бўлинг ва уларни руҳлантиринг.
- Уларни суҳбат тортинг – мазмунли саволлар беринг ва уларни яхшилаб тингланг.
- Вақтни биргаликда, чой, қаҳва ёки таомланиш устида ўтказинг.
- Инсонларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш, уларга нимадир бериш ҳамда уларга хизмат қилиш имкониятларини қидиринг.

2. РИШТАЛАРНИ БОҒЛАШ

...қизиқиши бор инсонларни топинг.

БИРГА ЙИҒИЛИШ ТАДБИРИНИ РЕЖАЛАШТИРИНГ

- Сана, вақт ва жойни танланг.
- Ўзингиз йиғилишга келишини истаган инсонларнинг рўйхатини тузинг.
- Ибодат қилинг ва уларни таклиф этинг.
- Истасангиз, энгил емаклар ва ичимликларни ҳозирланг.
- Суҳбат учун саволлар рўйхатини тузинг ёки йиғилиш тадбирида “ўзаро танишув” тадбирини режалаштиринг.

ЙИҒИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ЙЎРИҚЛАР

- Лозим бўлса, қаҳва, чой ва/ёки энгил емаклар ҳозирланг.
- Меҳмонларни кутиб олинг, ўзингизни таништиринг ва бир-бирингиз билан танишинг (саволлар ёки тадбир орқали) ва уларга бир-бирлари билан мулоқот қилиб, ўзаро яқин бўлиб олишларига вақт беринг.

- Йиғилиш якунланиши арафасида, куйидагича қабилида бирор гап айтинг: “*Мана, биз вақтимизни биргаликда жуда мароқли ўтказдик. Мен шуни истардимки, бир гуруҳ бўлиб Инжилни биргаликда ўрганишимиз, унинг мазмун-моҳиятини ҳамда унинг ҳар биримизга шахсан қандай дахлдор эканлигини англашимиз учун хавфсиз бир муҳитни ва бир-бирига ғамхўр инсонлардан иборат жамоатни ташкил этсак. Шу таклифимга нима дейсизлар, шуни билишни истар эдим*”.

3. ЙЎНАЛТИРИНГ

...энди ишга киришинг.

- Ушбу Инжилни ўрганиш бўйича йўриқномани юклаб олиб, уни ҳар бир одам учун биттадан чоп этинг.
- Ушбу ўрганиш йўриқномаси бўйича тавсия этилган Муқаддас китоблардан иборат тўртта тўпламдан бирини танланг.
- Иштирокчилар ҳар куни бериладиган саволларга жавобларини ёзиб олишлари учун бир дафтар тутишлари лозим бўлади.

Инжилни ўрганиш гуруҳида сақоб қандай олиб борилади

Кичик ибодат билан бошланг.

- Кириш сифатида ушбу дарс мавзусини тушунтириб берувчи куйидаги LIGHT ҳикоясини ўқиб беринг.
- Бирор хоҳловчи иштирокчидан Муқаддас китобдаги парчани ўқиб беришини сўранг.
- Ўрганиш бўйича йўриқномадаги кундалик саволлардан сўнг суҳбат олиб боринг.
- Жавоб кутаётганда сукунат чўкишидан қўрқманг. Мақсад раҳбарнинг барча саволларга жавоб бериши эмас, балки муҳокама олиб боришдир.

Муҳокама самарали бўлиши учун гуруҳ аъзоларига доимо куйидаги фойдали маслаҳатларни эслатиб туриш муҳимдир:

- Барча эшитиши учун баланд овозда гапиринг.
- Узун ҳикоялар билан эмас, қисқа фикр-мулоҳазалар билан жавоб беринг.
- Муҳокама Масих ҳамда Инжил мавзусидан четга чиқиб кетишига йўл қўйманг.
- Дикқатни йўқотманг ҳамда зиддиятли мавзулардан қочинг.

Гуруҳингизга шунга ишонч ҳосил қилдингизки, Муқаддас руҳ Ўзининг каломига ишончда, Муқаддас руҳ ҳар бир иштирокчи ўз руҳий саёҳатини бошидан кечирадиган ўз ҳаётидаги вазиятларга ишонади ҳамда гуруҳингиздагиларга Муқаддас руҳ улар нималарни билиб, нималарни ҳаётларига тадбиқ этишларини хоҳлашини уларга шахсан ўргатинг.

- Дарс охирида кейинги ҳафта учун Муқаддас китобдан парчани уй вазифаси қилиб беринг.
- Гуруҳ аъзоларини бошқаларни ҳам исталган вақт гуруҳга қўшилиш учун таклиф этишга ҳаракат қилишга унданг. Бу ҳол дўстона муҳит ва ғамхўр жамоат шаклланишига туртки бўлади.
- Қисқа ибодат билан дарсни тамомланг.

Билимларни ошириш учун қўшимча саволлар:

- Худо сизга яна нималарни ўргатди?
- Жавобингизни янада тўлиқроқ ёритиб бера оласизми?
- Ушбу жавобга кимда қандай қўшимча бор?
- Ушбу оятда сизга энг кўп таъсир қилган нарса нима?

Кириш:

Кўплаб денгиз тошбақалари қирилиб кетиш арафасида турибти. Бу йиртқичлар, инсонлар ёки табиат ифлосланиши туфайли рўй бермади; бунинг сабаби қирғоқ бўйида сунъий ёруғликнинг кўпайишидир.

Худо денгиз тошбақаларини тўлин ойда туғиладиган қилиб яратган. Тошбақалар тухумдан ёриб чиққанида, ой нури уларга табиий маконлари, яъни океанга йўл кўрсатади. Денгиз тошбақаси учун ҳаёт сувдадир.

Олимлар жажжи денгиз тошбақаларини тўлин ой ёритиб берган йўл ҳамда денгиз бўйи уйлари, столбалар ҳамда автомобиллардан тараладиган сунъий ёруғлик ўртасидаги зигзагсимон шаклда қолдирган йўлларининг охирида ўлик ҳолда топганларида ҳайратга тушдилар. Сунъий ёруғлик туфайли йўлларидан адашган денгиз тошбақалари ўлимга юз тутдилар.

Ушбу Инжилни ўрганиш сизни Исонинг тўсиб бўлмайдиган нурига етаклайди. “Мен дунёнинг нуриман...ҳаётга элтувчи нурман” (Юҳанно 8:12). У, шунингдек, сизни Ўзининг каломига етаклайди— “Менинг Каломим оёғингиз учун чироқ ҳамда йўлингиз учун нурдир” (Забур, 119:105) ҳамда сизни қоронғу дунёда Масихнинг нурлари бўлишга куч беради “Сизлар дунёнинг нури сизлар ... сизларнинг нуригиз ҳам инсонлар олдида порлаб турсин” (Матто 5:14).

Ҳар кунги қироатингиз, ибодат қилишингиз ҳамда Яратганнинг каломини ҳаётга тадбиқ этишингиз душманнинг сунъий нурларини аниқлашингизни осонлаштиради, сизни Яратганнинг нурлари ёритган йўлда қолдиради ва уйингиз билан жамоатингизда Масих учун чарақлаб нур таратишингизни таъминлайди. Исонинг ҳаёти, муносабатлари, мўъжизалари ҳамда хабарлари атрофида жамланган тўрт Нур дарсларини чуқурроқ ўрганинг.

